

А. Ўлмасов

ОИЛА ИҚТИСОДИ



"МЕХНАТ"

А. ЎЛМАСОВ

ОИЛА ИҚТИСОДИ

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1998

Ҳар бир оила, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик бўлсин, иқтисод билан чамбарчас боғланган. Айни пайтда ҳар бир оила ўз иқтисодини юритиб, турмуш вазифаларини адо этиб боради. Мазкур рисолада оила даромади, у нималардан ташкил топиб, қандай тақсимланиши хусусида сўз юритилади. Муаллиф томонидан баён этилган оила иқтисодининг ривожланиш тамойиллари, қонун-қоидаларидан хабардор бўлиб, уларга риоя қилиш нафақат хонадон соҳиблари, уй бекаларигагина эмас, балки ёш авлод учун ҳам фойдалидир.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчи: М. Йўлдошев — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг
бюртмаси бўйича чоп этилди.

АҲМАД ҲЛМАСОВ

ОИЛА ИҚТИСОДИ

Тошкент — «Меҳнат» нашриёти — 1998

Чоп этиш учун масъул — А. Бобониёзов
Муҳаррир — Х. Мухитдинова
Техник муҳаррир — Ж. Бекиева
Мусахҳиҳ — Ш. Дўлгасева

ОИБ № 1420

Босишга рухсат этилди. 24.04.98 й. Бичими 84x108 ¹/₃₂. №1 қозоғга
«Таймс.Ўз.» ҳарфида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 2,52.
Нашр табоғи 3,0. Адади 20000 нусха. Буюртма № К-7012
Баҳоси шартнома асосида.

«Меҳнат» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 12-98.

Оригинал макети Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент ижарадаги
матбаа корхонасида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

ISBN 5-8244-1276-6

© «Меҳнат» нашриёти, А. Ҳлмасов. 1998

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак.

И. КАРИМОВ

СЎЗ БОШИ

Шўролар замонасида жамият оиладан бошланади, оила жамиятдаги ўзгаришларни акс эттиради, унга эътиборни кучайтириш керак, деган баландпарвоз сўзларни кўп эшитганмиз. Аммо амалда кишилар манфаати орқага сурилиб келди. Мустақиллик шарофати билан инсоннинг ҳаётий муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилди, шу боис республикамызда 1998 йил оила йили деб эълон қилинди, оиланинг талаб-эҳтиёжини қондиришга ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга, ундаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш, ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган давлат дастури ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси оилада муносабатнинг тубдан ўзгаришига олиб келади ва бу соҳада кўп ижобий ўзгаришлар юз беради. Бироқ ҳозирги вақтда жамият ривожланишида иқтисодиёт масаласи етакчи бўлиб турганига қарамай, жамият дебочаси бўлмиш оиланинг иқтисоди масаласига эътибор ҳали етарли эмас. Шунини ҳисобга олиб, анча йиллардан бери қизиқиб, тўплаб юрган маълумотларим асосида оиланинг бугунги кундаги иқтисодий фаолиятини, унинг муаммолари ва уларни ҳал этишнинг баъзи йўл-йўриқларини ёритишга жазм этдим. Мазкур рисолада кўрсатиб ўтилган оила иқтисодининг ривожланиш тамойиллари, қонун-қоидаларидан хабардор бўлиш, уларга риоя қилиш нафақат хонадон соҳиблари, уй бекаларигагина, балки ёш авлодга ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Қўлланмада оила иқтисодининг асосий жиҳатлари бор маълумотга таянган ҳолда баҳоли қудрат ёритилди. Мазкур ишни шу соҳадаги илк ва камтарона қадам деб билишларини истар эдим. Рисола юртдошларимизнинг иқтисодга оид билимини оширишга ва ўз ҳўжалигини оқилona ташкил этиб, унинг фаровонлигини заррача бўлса-да оширишга хизмат қилса, муаллиф меҳнати зое кетмаган бўлади.

Оила ва унинг турлари

Оила жамият ижтимоий тузумининг дастлабки ва бирламчи бўғинидир. Ижтимоий ҳаёт оиладан бошланади.

Оила – кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги ва талаб-эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, мақсади ягона бўлган мажмуа, яъни микроижтимоий тузулмадир. Иқтисодий жиҳатдан қараганда оила уй хўжалиги бўлиб, микроиқтисодий тизимнинг асосий бўлаги ҳисобланади. Унинг бошқа қисмини эса фирма, корхона ва иқтисодий сектор ташкил этади. Оила шу қисмлар билан биргаликда макроиқтисодий тизимга, яъни миллий иқтисодга бирикади (1-чизма).



1-чизма. Иқтисодий тизимда оила.

Ўзбекистонда 1997 йилда 24 млн. аҳоли 3,5 млн. оила 11,3 минг маҳалла мавжуд эди. Оилалар сони умумий аҳоли сонига, оилаларнинг бузилмасдан сақланиб қолишига, неча ёшдан бошлаб никоҳга ўтиб оила қуришга боғлиқ бўлади.

Ўзининг ижтимоий мақоми жиҳатидан ишчи ва хизматчи, деҳқон (фермер), тadbиркорлар оиласи бўлади. Қандай йўл билан даромад топишига кўра ёлланиб ишловчилар, ишбилармонлар ва мулкдорлар оиласи мавжуд. Муайян бир оила ўткинчи ҳолатда бўлиши ҳам мумкин. Бунда оиланинг бир аъзоси тadbиркор бўлса, бошқаси ёлланиб ишлаши ёки умуман ишламаслиги ҳам мумкин. Оиланинг алоҳида тоифасини нафақахўрлар ташкил



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4318> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4318> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4318>